

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

## Ҳ У К М

2025 йил декабрь ойининг 18 куни, жиноят ишлари бўйича Наманган туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, туман судининг раиси А.Книнг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Мнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси-Наманган туман прокурорининг катта ёрдамчиси М.Т, жабрланувчи Д.Б, судланувчи Д.А ва унинг ҳимоячиси-адвокат Д.Жнинг иштирокида А.Д.Кга оид 1-1602-2501/ -сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

А.Д.К, 1989 йил 13 июнда Мингбулоқ туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, ишсиз, оилали, 3 нафар фарзанди бор, судланмаган, Мингбулоқ тумани, “” МФЙ, Янги ҳаёт кўчаси, рақамсиз уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 13 ноябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “г” банди, 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Д.А 2025 йил 17 сентябрь куни соат 10:00 ларда Д.Бнинг яшаш хонадони-Мингбулоқ тумани, “Мустақиллик” МФЙ, Янги ҳаёт кўчаси 63-уйга дарвозаси очиқ эканлигидан фойдаланиб, ғайриқонуний равишда кириб, хонадонда бўлган ичида 100 АҚШ доллари, 130.000 сўм, жами 1.361.471 сўм пул, Д.Бга тегишли 2 дона пластик карта ҳамда фуқаролик паспорти бўлган қора рангли аёллар сумкасини яширин равишда талон-торож қилиб, воқеа жойидан яширинган.

Судланувчи Д.А суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, 2025 йил 17 сентябрь куни эрталаб қўшниси Д.Бнинг яшаш хонадонига кириб, ундан 30.000 сўм олгани, ушбу пулга спиртли ичимлик олиб, истеъмол қилгани, шундан сўнг яшаш хонадонига қайтиб келиб, Д.Бнинг дарвозаси очиқ ҳолатда эканлиги ва ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, ичкарига кириб, дарвозахонада бўлган Д.Б унга пул олиб берган аёллар сумкасини очиб кўриб, унда пул, пластик карта ва паспорт борлигини кўриб, уларни сумка билан бирга олиб чиқиб кетгани, сумка ва ҳужжатларни яшаш хонадонига яшириб қўйиб, 100 АҚШ доллари ва 130.000 сўм пулларни шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборгани, ҳозирда зарарни қоплаб, ҳужжатларни тўлиқ қайтариб бергани, қилмишидан пушаймонлигини билдириб, енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Жабрланувчи Д.Б суд мажлисида, 2025 йил 17 сентябрь куни соат 10:00 ларда қўшниси Д.А қарз сўраб чиққанлиги сабабли унга дарвозахонада



турган сумкасидан 30.000 сўм олиб бергани, шундан сўнг уй ишлари билан шуғулланиб, тахминан 2 соатлардан сўнг қараганида сумкаси йўқлигини кўргани, сумка ичида 100 АҚШ доллари, 130.000 сўм пул ҳамда шахсий хужжатлари бўлгани, ушбу сумкани Д.А ўғирлаганини тахмин қилиб, ИИБга ариза билан мурожаат қилгани, суриштирув давомида у ушбу ўғирликни содир этганини тан олиб, зарарларни қоплаб, хужжатларини қайтариб бергани, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, кўрсатув берди.

Судланувчи Д.Анинг жиноят содир этганликдаги айби ўзининг айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари ўз айбига иқрорлик аризаси, жабрланувчининг аризаси ва кўрсатувлари, ҳодиса жойини кўздан кечириш, нарсани кўздан кечириш ва олиш ҳақидаги баённомалар, ашёвий далиллар ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар мажмуи билан исботланган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Д.Анинг ўзганинг яшаш хонадонига ғайриқонуний равишда кириб, мулкани яширин равишда талон-торож қилганлик ва ва фуқаролик паспортини ғарзгўйлик ниятида эгаллашдан иборат ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “г” банди, 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида судлар жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги;

3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи Д.Ага жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг айбига тўлиқ иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб ҳисоблаб, содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, у айбланаётган моддалар санкциялари доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топди.

Суд, ашёвий далил деб эътироф этилган Д.Б га тегишли аёллар сумкаси, сумка ичида бўлган 1.200.000 сўм пуллар, 2 дона банк картаси ҳамда фуқаролик паспорти ўзига қайтарилганини инобатга олишни, бир дона “ДВД” дискни жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462, 463, 465-468, 471-473 – моддаларига амал қилиб, суд

#### Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

А.Д.К Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “г” банди, 227-моддаси 2-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир анликда айбли деб топилсин.



А.Д.Кга Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “г” банди билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖК 227-моддаси 2-қисми “а” банди билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиб, узил-кесил иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 1 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси Мингбулоқ туман ИИБ Пробаця бўлинмаси томонидан белгиланган жойларда ўтатирилиб, жазо ўташ муддати Д.А корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлансин.

Д.Ага нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ашёвий далиллар – Д.Бга тегишли аёллар сумкаси, сумка ичида бўлган 1.200.000 сўм пуллар, 2 дона банк картаси ҳамда фуқаролик паспорти ўзига қайтарилгани инобатга олинсин, бир дона “ДВД” диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан ўн сутка ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида Наманган вилоят судига шикоят бериш ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи	(имзо)	А.К
“Нусхаси аслига тўғри”		
Туман судининг раиси		А.К

